



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2015-yil 7-avgust №32 (4327)



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ХАЛҚНИНГ ЮРАК ЗАРЪЛАРИ

Дунёда инсонни хурсанд қиладиган, унинг кўнглига ёруғлик бағишлайдиган совғаларнинг тури кўп. Лекин маънавиятли инсон учун энг зўр совға — бу, китобдир, шубҳасиз.

Шу йилнинг 3 август куни Ёўка туманидаги 15-сонли Меҳрибонлик уйининг "Сиж-жак" оромгоҳида бўлиб ўтган учрашувда ушбу ҳақиқат яна бир бор ўз исботини топди. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Иқбол Мирзо ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тошпўлат Маткаримов иштирок этган ушбу тадбирда ҳамюртларимизда, айниқса, ёшларда маънавий иммунитетни шакллантириш лозимлиги ва бунда китобнинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланди. Тадбир давомида хонанда Тошпўлат Маткаримов томонидан Меҳрибонлик уйи маъмуриятига тақдим этилган бир миллион сўмлик китоб болалар қалбига шодлик улашди. Қувонарлиси, бундай маънавий тадбирлар режалар тарзда ташкил этилмоқда. Ижодкорларнинг Фарғона вилоятига қилган ижодий сафари ҳақидаги махсус йўлномани ўқиб, бунга яна бир қарра амин бўласиз.

Бу дунёда ҳар қандай ҳаракат, фаолият бўлса, шубҳасиз, унинг қувват манбаи мавжуд. Юриб турган соат, қўл телефони, ёниқ чироқлар — ҳар бири муайян қувват эвазига ишлайди. Турли мавжудотлар, ўсимликлар ҳам табиатдан озикланиб, қувват ҳосил қилгангина, ўз хусусиятларини намойиш этади. Инсон ҳам шундай: мадори бўлмаса, ҳеч

оромгоҳ ҳовлисида саф тортган болалар катта байрамга шай турар, юз-кўзида мунг, қай-гудан асар ҳам йўқ эди. Уларнинг чехрасида тўла-тўқис оила бағрида ўсаётган болаларга хос ўқтамлик, ширинлик, кўнглимизга яй-ради. Дил тутунимиз очилиб, юртимизда келажак авлод тарбияси борасида олиб борилаётган ишлар моҳиятини



Ўқўприк туманидаги "Биллолидин Суннатилло" фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали деҳқон Анваржон Ақромов. М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

нарсалар ҳали келмайди. Бу исбот талаб этмайдиган оддий аксиома. Ҳамма биладиган бу ҳақиқатни эслатишдан мақсадимиз — тўлақонли ижод қилиш учун ҳам ижодкорга улкан маънавий қувват ва бу қувватни ҳосил қилувчи манба билан доимий боғланиб туриш зарур эканини таъкидлашдир. Ҳўш, ижодкор учун табиий қувват манбаи нима? Бу саволга ўтган аср бошида буюк Чўлпон қисқа, эсдан чиқмайдиган қилиб жавоб берган эди:

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,

Кучоқ очиб халқ ичига борайлик!

Мана, ҳар қандай ижодкор учун қувват манбаи сари йўлқўрсаткич! Чиндан ҳам, халқнинг маънавий дунёси билан доимий равишда боғланган, унинг юрак зарбларини ўз томирлари орқали ҳис қила олган ижодкоргина руҳан бақувват, маънан баркамол асарлар бита олади. Мухтарам Президентимизнинг "Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир", деган сўзларида ҳам ана шу ҳақиқат муҳасаммадир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ташаббуси билан июл ойининг сўнгги кунинда Фарғона вилоятида ташкил этилган ижодий кечаларда қатнашар эканмиз, юқорида келтирилган мулоҳазаларнинг нақадар ҳаётийлигини ич-ичимиздан ҳис этдик.

Илк тадбир Қўқон шаҳридаги 12-сонли Меҳрибонлик уйига қарашли "Нафосат" ёзги соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳида бўлиб ўтди.

Ушбу даргоҳга қадам қўяр эканмиз, кўнглимизни алланечук ҳаяжон қоплади. Бадий асарлар, кинофильмлар, куй-қўшиқларда "Болалар уйининг боласи" ҳақидаги эзгин, ҳасратли тўғйуларга кўп дуч келганимиз учунми, бу ердаги болаларга бир зум бўлса-да дилдош, қайғудох бўлишни ният қилдик. Аммо ичкаридаги манзарани кўриб, дилимиздаги маҳзун кайфият бир лаҳзада тарқалиб кетди:

Давоми иккинчи саҳифада.

Рустам МУСУРМОН



Аждолларнинг қони жон-таннимизда,
Буюк давлат учун қурдик пойдевор.
Озод ва мустақил Ватанимизда
Бинолар тикланди гўзал, улғувор.

Юртбошим ёшларнинг бошини силаб,
Билинг, "Куч — билим ва тафаккурда" дер.
Оталар фарзандлар бахтини тилаб,
Фаровон бўлсин дер Ватан, Она ер.

МУШТАРАК АНЪАНАЛАР

Бу йил ўнинчи мартаба ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали доирасида бўлиб ўтадиган илмий-назарий анжуман мавзуи "Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги" деб номлангани чўқур мазмунга эга.

Чет эллик олимлардан Мария Гертруда, Дагмар Кун, Биргит Елингхаус (Германия), Гордана Благоевич (Сербия), Лала Гусейнова (Озарбойжон), Лейла Урманова-Внукова (Латвия), Сандор Сабо (Венгрия), Ганс Фрей (Австрия), Нассер ал-Тасе (Уммон), Наталия Дивинская (Исроил) ва бошқалар анжуманда қатнашадилар. Ўзбекистонлик олимлар Отаназар Матёкубов, Ирода Дадажоновна, Соибжон Бегматов, Рустамбек Абдуллаев, Феруза Абдурахимова, Александр Жумаев миллий мусиқамиз тарихи, мақом санъати, чолғучилик, анъаналар давомийлиги каби мавзуларда маъруза қилдилар. Анжуман доирасида Маҳмуджон Тожибоев, Рустам Болтаев, Тоир Қўзиев, Абдурахмон Холтожиев, Аббор Зуфаров каби устозлар иштирокида "маҳорат сабоқлари" ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Бахтиёр АШУРОВ

БИЛДИРИШ

Шу йил 13 август соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Мажлислар залида Шеърят кенгашининг "Шеърят: бугун ва эртага" мавзуида йиғилиш ўтказилади. Тадбирга адабиёт мухлислари ва барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ёзувчилар уюшмаси Шеърят кенгаши.

ОФТОБИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЮРТИМ!

Тун бўйи даласига обиҳаёт тараган бободехқон айна саҳар чоғи бир оз мизғиб, кўёш бош кўтармасдан яна пайкал бошига келаркан, саратоннинг оловли тифида кут-барака инган гўзаларига меҳри товганиб боқади.

Лўппи-лўппи бўлиб очилиб, бутун жаҳонни оққа буркамоққа, оппоқ то-лалардан гўзаллик яратмоққа қодир бўлган гўзаларга яна бир ой деҳқоннинг чин меҳри, муҳаббати керак. Шу бир ой пахтакор йил бўйи чеккан заҳматларининг тақдирини ҳал қилади. Бундан асл бободехқоннинг кўнгли тўқ. Чунки омборида ўғит, ариғида обиҳаёт муҳайё, пўлат от дая сийлаган тулпорлари хизматига мунтазир. Шийпон ёнидаги богда ёноғига офтобдан ранг инаётган қирмизи олмалар, кенг полизда хордиқ олаётган бир сурув кўйдаи бўлиб дўмпайиб ётган ошқовоқу қовун-тарвузлар она замин саховатидан кўнглига ёруғлик сочади.

Хув олисда эса, ўзбек кишлоғининг асрий манзарасини ўзгартириб, унга шаҳармисол гўзаллик бағишлаётган янги лойиҳадаги олтинранг уйлар, маҳалла гузарлари, спорт майдонларининг замонавий манзаралари кўзга янада иссиқ кўринади.

Буларнинг ҳаммаси мустақиллик замонидаги бекиёс бунёдкорлик манзараларига нақадар эш бўлиб, ўтган қисқа вақт ичида ўзбек халқи эришган асрларга тенг мазмун-моҳиятга эга яратувчилик самараларини намойиш этиб турибди. Мустақил-

лик фақат она юртнинг шаҳар ва кишлоқлари қиёфасини, йўллари ва кўприклар тарзини батамом ўзгартириб қолмади. Деҳқоннинг ўз даласига, етиштираётган ҳосилига, қилаётган меҳнатига муносабатидан ҳам катта эврилишлар рўй берди.

Ватан учун яшайлик!

Мустабид тузум пешволари ўттиз йил бурун шу биргина оппоқ пахта-нинг ҳам юзини шувит қилиб, деҳқон номига қора чаплагна, пахта етишти-рувчи бутун бир халқнинг ор-номуси-ни топташга уринганларига бутун олам аҳли гувоҳ. Истиқлол, Юртбо-шимиз тимсолида, энг аввало, пахта-кор деҳқоннинг номини поклади, пах-та устаси сифатида эътибор топган халқимизнинг ор-номусини таҳрир ботқоғидан ҳимоя қилди. Миллатнинг қаддини ҳам, қадрини ҳам юксакка кўтарди. Боз устига, энди деҳқон етиштирган "оқ олтин" ўғаларнинг ҳазинасини эмас, ўзимизни, ўз халқимизни бойитишга, фаровонлиги-миз асосини яратишга замин бўлаёт-тир. Деҳқон етиштирган пахта тола-си арзимас ҳақ эвазига сув текин

олиб кетиладиган, шимол корхонала-рида қайта ишланиб, яна ўзимизга қиммат нархда сотиладиган, мустабид тузум чўнтагини қаппайтирадиган даврлар ортада қолди. Энди пахта ўз юртимиздаги юзлаб замонавий кор-хоналарда қайта ишланиб, тайёр маҳ-сулотга айланиб, бутун жаҳонга экс-порт қилинмоқда. Эндиликда жаҳон-нинг энг нуфузли пахта бозори ҳам ўзимизга кўчди. Ҳар йили куз ойла-ри пойтахтимизда ўтказиладиган пах-та толаси ва тўқимачилик маҳсулотла-ри ярмаркасига ташриф буюра-ётган дунёнинг доврўкли саноат-чи ишбилармонларию мутасад-дилари ўзбек пахта толасига, ун-дан тайёрланаётган сифатли маҳ-сулотларга харидор бўлмоқда.

...Бугун эрта тонгда туриб, гўзала-рига обиҳаёт тараётган, етиштирган ҳосили баракасига барақа кўшаёт-ган бободехқон фермер истиқлол за-монининг бу ҳақиқатларини жуда яхши англайди. Зеро, деҳқону фер-мер фарзандининг ўқиб олим бўли-шига, дунёнинг доврўкли илм мас-канларида сабоқ олиб, она юрти ко-рига ярашига, озод Ватанга муносиб фарзанд бўлиб камол топишига пах-та даласидаги бугунги завқли меҳ-натнинг ҳам мустаҳкам замин ярати-ши шак-шубҳасиздир.

Сербарақа тупроғиндан, олтин нурларини дашту далаларинга бе-миннат сочаётган офтобингдан айла-най, юртим!

М.АБДУЛЛАЕВ

АНЪАРАҚШОҲИМ ВАТАН

Ифтихор

Ўтди қанча замонлар, қанча давру давронлар,
Кездим турфа жаҳонлар, жонга жононим Ватан.

Бағри баҳорга монанд, тупроғи зарга монанд,
Оби кавсарга монанд, Сир, Зарафшоним Ватан.

Онам каби ғамгусор, отам каби хокисор,
Осмонлари бегубор, жаннатмақоим Ватан.

Ўзинг пушти-паноҳим, тошган меҳриғеҳим,
Ўзбекининг нишонаси, ёруғдир пешонаси,
БМТ қононаси тахтиравоним Ватан.

"Шашмақом" мақомлари, сураи каломлари,
Салламо саломлари, илму иймоним Ватан.

Ёғди кўп боло тоши, ёвдан омондир боши,
Минг асрлар бардоши, марди майдоним Ватан.

Ота макон, она юрт, тупроғини кўзга сурт,
Фурбат эрур ўзга юрт, томирда қоним Ватан.

Киндик қоним тўқилган, мингта жоним тикилган,
Байроқ тутиб йиқилган, садқадир жоним Ватан.

Истиқлолни эъзоз қил, Ҳумо куши парвоз қил,
Қўлгаў йиғирма тўрт йил, ҳур жовидоним Ватан.

Эшигинг нурга тўлсин, бенигинг гулга тўлсин,
Хур қиз ўғилга тўлсин, анбарафшоним Ватан.

Нуруллоҳ, бир куйчман, тўйлаган бир тўйчман,
Ўз элимдан элчман, Ўзбекистоним Ватан!

Нурулло ОСТОН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тадбир сўнггида Мехрибонлик уйи масъул ходимлари бизни оромгоҳда янги қурилган бинолар, ёзги бассейн ва бошқа шарт-шароитлар билан яқиндан таништирди.

Хайрлашарканмиз, кўнглимизда бу даргоҳ ёруғ таассурот қолдирди. Бир қадар со-вукроқ бўлган "Болалар уйи" атамаси бе-жиз "Мехрибонлик уйи" деб ўзгартирилма-ганини англаб етдик: бу ерда чиндан ҳам ўзбекхона меҳрни, илик муҳит ҳавосини ҳис қилдик.

Навбатдаги учрашувимиз Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Шарқий ҳарбий округига қарашли Фарғона ҳарбий полигонидида белгиланган экан. Полигон ҳудудига кириб борарканмиз, одатда ҳарбий-ватанпарварлик мавзuida тасвирга олинган кинофилмларда кўргани-миз манзаралар кўз олдимиздан ўта бош-лади. Ҳарбий техникалар, машқ майдонла-ри... Баланд тўсиқ деворларга кўз ташлар-канмиз, улардан ҳатлаб ўтиш азамат йи-гитларимизга чўт эмаслигини ҳаёлан та-саввур қиламиз.

Тадбир режаштирилган бино олдида бизни округ раҳбари — подполковник Бахтиёр Ўролбоев қарши олди. Турли қурол-яроғ ва бошқа юклари ташишга одатлан-ган аскар йигитларнинг китоб ташйётган-ларини кузатиш завқли эди. Зеро, китоб — энг кучли қурол бўлиб, Президентимиз таъкидлагандай, жаҳолатга қарши маъри-фат билан курашишда асосан шу қуролга суянамиз. Ҳарбий округда ўтказилган тад-бирда ҳам ана шу ҳақиқат бот-бот тилга олинди. Яъни, бугун дунёда ниҳоятда қал-тис, мураккаб вазият ҳукм сураётгани, те-варак-атрофимиздаги давлатларда турли нохуш ҳолатлар рўй бераётгани, шунга қарамаздан, юртимизда тинчлик устувор-лиги ва бунёдкорлик ишлари изчил давом этаётгани қайта-қайта таъкидланди. Бу ерда ҳам маърифий суҳбатлар, шеър ва қўшиқлар, рақс ва хурсандчиликлар ўзаро уйғунашиб кетди.

Тадбир сўнггида полигон ҳовлисида чи-дик. Ёзининг жазирани кундида, тақир кен-лик бағридаги кичкина ҳовузчада учта ба-лиқнинг эмин-эркин сузиб юрганини кўриб, завқимиз ошди ва ҳазиломиз савол

ташладик: "Бу балиқлар ниманинг белги-си?!" Рўпарамизда турган ҳарбийлардан бири ҳозиржавоблик билан деди: "Тинчлик, осойишталик белгиси!" Унга жавобан: "Ал-батта, шундай, — дедик, — бунга шак-шуб-ҳа йўқ. Аммо, шу билан бирга, бу балиқлар — аскарларимизнинг қорни тўқлиги бел-гиси ҳамдир!" Даврада кулги кўтарилди. Аслида шунчаки ҳазил тариқасида айтил-ган ушбу гап тағида яхлит ҳақиқат ётгани-ни ва бу ҳол Истиқлол йилларида мамла-катимиз мудофаа тизимида олиб борилган ислохотлар самараси эканини ҳамма ан-глаб турарди. Чунки ҳозиргина тугаган маъ-рифий кечада кимдир ён-атрофимиздаги

тўпланган. Олд қаторда нуроний оналар ҳам ўтирибди. Тадбир самимий руҳда бош-ланди. Табиийки, аввало, Ватан равнақи ва бу борада ҳар биримиз қилишимиз ло-зим бўлган ишлар бўйича фикр алмашил-ди. Бугун чегараларни қўриқлаш нисбий экани, чунки мамлакатимиз чегараларини ҳатлаб ўтолмаслигига қўзи етган ёт унсур-лар энди виртуал воситалар орқали биз-нинг руҳий дунёмизга, маънавиятимизга қарши ҳуруж бошлагани, шу боис, аввало, қалбимиз, эътиқодимиз сарҳадларини ҳимоя қилишимиз, мустаҳкамлашимиз за-рурлиги алоҳида таъкидланди. Юрт боши-мизнинг "Бронехилет остида ҳам юрак

вомида кўплаб гулдаста олган, аммо мана бундай муҳим тадбирда бутун юрт ўғлон-ларининг меҳрини ўзида тажассум этган гулдастага лойиқ қўрилгани унга бошқача таъсир қилаётган эди. У, яна, она юраги билан сезарди: бугун дунёнинг қайсидаги чеккасида бахтсиз онализор қонли тўқна-шувда ҳалок бўлган ўғлининг бошида соч юлиб, фиғон чекиб турган бир паллада у тинч, осойишта Ватан бағрида хизмат қила-ётган ўғли туфайли шудомон даврада қат-нашиб, гулдаста олиб турибди! Бундан улуг бахт борми?! Бунинг шукронасини қандай қилиб адо этиш мумкин!?

— Армия мени чинакамга тоблади, —

оташнафас шоиримизнинг қуйма сатрлари-ни келтиради:

**Болларга намозгар
Салқини тушди,
Гуллар нам баргини
Кайирди аста...**

Тилимизни болаларга мослаб, содда ифодалар кўмағида уларнинг қалбига йўл ахтарамиз. Ўрнини топиб ҳазил қиламиз, жиддий гапларни кулгига "ўраб" берамиз, муҳими, уларнинг онг-шуурида маърифат чиққларини ёқишга ҳаракат қиламиз. Бит-тадан шеър ўқиш билан кифояланиб, кўпроқ даврадагилардан эшитгимиз келади. Ёш шоира Муруватхон Фаффорхонова ўзининг Ватанга бағишланган ўта самимий манзу-маси орқали кўнглимизга зиё бағишлай-ди. Кейин болалар ўқий бошлайдилар. Бор-лигимиз ёришади. Улар тайёрлаб қўйган бадийий чиқишлар билан ҳамроҳимиз бўлган хонанданинг болаларбоп қўшиқлари мос тушганини кўриб ҳайратимиз ошади. Тад-бир давомида Мехрибонлик уйи маъмури-ятига Тошкентдан олиб келган китобларни топширамиз.

Қуёш уфққа эна бошлайди. Ўтказилган тад-бирларнинг ҳар бири ўзига хос, ёддан чиқ-майдиган таассуротлар бахш этганини туя-миз. Сафар давомида биз билан бирга юр-ган Республика Маънавият тарғибот марка-зининг Фарғона вилояти бўлими бошлиғи Файзулла ака Зоҳидов ҳам учрашувлар ку-тилганда-да мазмунли ўтганини таъкидлаб, мамнун жилмаяди. Гарчи тонг-сахарлаб Тошкентдан чиққан ва Фарғона, Қўқон, Мар-ғилон шаҳарларида бир-биридан мазмунли тўртта учрашув ўтказган бўлсак-да, чарчаган-нимизни сезмаймиз. Қайтанга, борлигимиз янада кучга тўлгандай, руҳимиз тетиклаш-гандай туюлади. Чўлпоннинг йўлкўрсаткич мисралари нақадар ҳаётий эканига ана бир бор имон келтирамиз. Фарғонанинг янги, замонавий кўринишдаги кенг ва равон кўча-лари бўйлаб пойтахт сари қайтарканмиз, ўзимизча шивирлаймиз:

Бетакоримсан, яғонасан, она Вата-нин — Ўзбекистоним!

**Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
Нодир ЖОНУЗОҚ,
шоир, "Ёшлик" журнали
бош муҳаррири**

Холанинг асли исми Саида. Қишлоқдагилар осонини кўзлаб Сайда хола, деб кетишган. У кишининг бошқа исмлари ҳам кўп. Феълига қараб-да. Милтиқнинг ўқи, "Автомат", "Ётиб отар" ва яна бир қанча. Холани бил-ганлар бу исмларни ёмон кўриб эмас, яхши кўриб ай-тишади. Чунки Сайда хола ўз фикрини бирданига тап тортмай тиккасига айтиб юборгани, шартаки бўлгани билан сўзлари ўринли ва тикансиз бўлади.

Кўнгул сўраб...

Ўшанда Сайда хола етмиш беш ёшда эди. Опаси эса етмиш саккиз-да. Сайда хола эшитди-ки саксон саккиз ёшли почтаси бетоб бўлиб қолипти. Опам ва почмандан бир ха-бар олиб келмасам бўлмас, деб хола қишлоқдан туман марказига жўнади. У чакқон, суяғи енгил момо эмасми, автобус бекатигача анча йўл бўлса ҳам пиёда юриб тезда етиб келди.

Опа-сингил илик кўришиб сўраш-ди. Хола язнам тўксонга бориб қолди, бетобликини кўтаролмасов, деб ўйлов-ди. Турган гапки, опаси ранги оппоқ, суратдай бўлиб қолган чолини қалин тўшак солиб таппа-тахт қилиб ётқи-зиб қўйган, чунки у опасининг вахи-мачироқ оdatи борлигини яхши билади-да. Қарасаки, ундай эмас, бемор бобо кириб-чикиб юрпти. Лекин инқиллайди. Опаси қовоғини уйиб чолига қаради-да, деди:

— Одамлар ҳурматлаб сизди кўришга келиб турганидан кейин жотмайсизма жимгана! Кириб-чиқиб журганингиз минан тўксонга борган одамнинг жонига ишониб бўлама? Инқилламай манов тўшакка ётинг-да, Сайда минан омоннашинг. Рози-ри-золик сўранг.

Чол бечора ростданам ўлар экан-ман, деб шошиб-пишиб бориб кўрпага тап-тахт бўлиб ётиб олди. Боя хола ўйлагандай ранги оқариб, суратга ўхшаб қолди. Қаттиқроқ ин-қиллай бошлади. Кампир деди:

— Индама-ай жотинг, инқилловур-май, ҳанов нариги қишлоқда бир бобой олти ойдан бери туролмас-ям индамайгана жотқанимиш, нима, сиз ўн-ўн беш кунга чидамайсизма? Бу гапдан Сайда холанинг ёмон жahlи чикди, опасига еб қўйгудек бўлиб қараб, беморга эшиттириб деди:

— Сенга нариги дунёдан "Чолинг ўн-ўн беш кундан кейин албатта келиши керак", деган повуска (чақирув қозғоғи) келди-да?

Бу гапни эшитган чолнинг бирдан ранги кирди ва кундан-кунга соғая бошлади. Шундан кейин бобо яна тўққиз йил яшади. Сиз бу сўзларни кўриб, ўйламанг, бу кампир чолни ҳурмат қилмас экан-да, деб. Йўқ, Сайда холанинг опаси чолнинг қаттиқ ҳурмат қилади. Уст-боши ҳамма вақт ювилган, овқатлари ҳар кунги хилма-

хилидан тайёр. Фақат озроққина қат-тиққўллиги, болаларига ҳам, чолига ҳам талабчанлиги бор-да.

Бегараз гурун

Уч опа-сингил — тўнғичи Ҳалима хола, ўртанчаси Сайда хола, кенжа-си Нурбуви холалар ҳам бўлишиб, тоққа — Эргаш аканинг уйига бориш-ди. Эргаш ака Ҳалима холанинг тўнғич ўғли. Унинг саккиз фарзанди

бор. Ўғиллари эр етган, қизлари бўй етган. Қишлоқда шаҳарга нисбатан меҳр-оқибат қучли. Қўшилар ўйнаб юрган болалардан моомаларинг кел-ганларини эшитиб, ҳаммаси ҳар ҳовлидан келиб қолишди. Катта хо-лага, яъни Ҳалима холага, омин қилиб юборинг, дейишди. Ўшанда хола саксондан ошган, кўзлари ҳам анча хиралашиб қолган эди. Буви неваралари ва қишлоқдошлари ол-дида чиройли ниятлар қилиб бўлгач, охирида, энди менинг армоним қомади, болларимди қанча-қанча тўйларини бошида турдим, ҳар доим тўкин дастурхон бошида ўтирдим, парзандларимди орқасидан ҳамма орзу-хавасларди кўрдим, энг кера-ги — замонамиз тинч бўсин, энди силарнинг олдиларингда менинг имонимди берсин, олдин кеганинг олдин кетгани хосиятли-да, деди. Меҳмон бўлиб келган энасини жуда яхши кўрадиган чиройли бўйқиз не-вараси Дилбар бирданига:

— Кўйинг, ундай деманг, ҳали юринг-е эсон-омон яшаб!

Сайда хола, омин айтган Ҳалима момонинг тўққан синглиси, у нима дейди денг:

— Қўйи, нима қиласан журғизиб, журғанда қайтади энди?

— Ха-а, туври айтасан, Сайдажон, журғанда қайтариқим, — дейди парво қилмай. Хафа бўлиш опаси-нинг эсига ҳам келгани йўқ.

Сўнг гурун бошқа мавзуларга кўчди.

Сайда холанинг бўғжомо учун жун йигираётганидан, йигирган или жуда силлиқ ва ингичка чиқаётга-нидан, (бўғжомо — тутилмаган янги

бир-иккита кўрпани йиғиб, ўраб сандиқ устига қўйиладиган қалин тўқима чойшаб) шу қишлоқдаги Холмамат аканинг сигири эгиз туқ-қанидан, ўша сигирнинг биринчи соғилган суги, яъни увузи соғлик учун жуда фойдали бўлгани туфай-ли бутун қишлоққа ярим пиёладан тегса ҳам бўлиб етказиб, барча билан баҳам кўрганидан, мингто-ғир деган ўт бу йил тоғда кўп ўсиб чиққани, унинг томирини кўпроқ су-ғуриб олиб, албатта, қуришиб қўйиш кераклиги, биронта каттами, ёш болами кўл-пўлини кесиб олса ёки тоғнинг баланд-паст жойларидан йиқилган молнинг қонаб яра бўлган жойига ўша томирни эзиб, ундай қилиб сепиб бойлаб қўйилса, тез-да тузалиб кетишидан ва бошқа во-қеалардан қизиқарли гурунлар кетди. Хола ҳар бир мавзуга ўз фикрини билдириб, ҳаммани кул-

дириб ўтирди. Шунда қўшни аёл-лардан бири:

— Хола, сиз очикқина экансиз, икки ёнингиздаги ҳам опангиз, ҳам синглингиз гуруннга унча қўйшлав-ер-

Ҳаёт сабоқлари

мас экан-а? — деди.

— Менинг ичим қора эмас-да, шун-ийчун гапир-иб ўтираман.

Ҳамма кулиб юборди. Сайда хо-ланинг икки ёнидаги опа-синглиси хафа ҳам бўлгани йўқ, парво ҳам қилгани йўқ. Аксинча опаси:

— Сайдажон, манов қаймоқдан то-тиб кўргин, жудаям тотлиқкан, — дейди. Синглиси Нурбуви хола эса: — Опа, бизникига қачон борасиз, биздинг боллар, холам қачон кела-ди, хангомасини соғиндик, деб жу-ришипти. Сиздинг гапларингизди яхши кўради-да улар, — дейди.

Қишлоқ бошқача-да. Ўша куни шу ҳовлига келган қўшниларнинг биронтаси қуруқ қўл билан ўтгани йўқ. Биров хозиргина тандирдан узиб олинган иккита қайноқ нон, биров шу бугун эрталаб қуви пи-шиб ажратилган мазалидан мазала янги бир пишим сариқ ёғ, биров ўнча қишлоқ тўғми, биров бир коса қаймоқ олиб ўтди. Шу ҳовли-нинг ўзидан чиққан қанча мева-че-вага дастурхон тўлган. Ҳозир ҳам қишлоқларимизда, умуман муста-қил Ватанимизда дастурхоннинг тўқиллигидан, қўшниларнинг меҳр-оқибатию мардлигидан, Сайда хо-ладай бағри кенг ва гапга чечан ин-сонларнинг борлигидан қувониб кетасан, киши.

«Отан дерман»

Сайда хола қишлоқдоши Маҳмуд-ни жуда ҳурмат қиларди. Маҳмуд ҳам ҳурмат қилса қилгулик йигит эди. Ҳеч қачон вақтини бекор ўтказмасди. Ўзи тажрибали, қўли ҳаммага эм бўлиб кетаверадиган шифокор эди. Лекин у фақат шифокорликка ияк суяб ўтира-диган йигит эмасди. Каттагина ер олганча анча йил бўлди. Дам олиш кунлари фарзандлари ёрдамида ўша ерида кетмон чопади. Сигир-қўйлари ҳам бор, уларни ўз ерларидан чиққан ўт-ўланлари билан тўйдиради. Уйи-дан сут, қаймоқ, қаттиқ узилмайди.

Маҳмуднинг отаси билан Сайда хола қадрдон қишлоқдош ва тенгдош эди. Кунни битиб Раҳмон бобо олам-дан ўтди. Сайда хола Раҳмон бобонинг ҳамма аза-маросимларида қатнашди. Худойиси, йигирмаси, қирқиди ҳам. Сайда хола бобонинг қирқиди кўп қато-

лаб, — ўша бизлар, яъни элу-халқ ўтирган катта уйининг тўрига бит-та қўшиқчи артис минан битта чил-дирмачини тикка турғизиб қўйиб, "Отан дерман" деган қўшиқчи жони-ни борица бақиртириб айттириб қўйишнинг керак эди. Камчилигинг — шу, деди-ю, хайр-маъзури насия қилиб жўнаб қолди. Сайда холадан ўша зиёфатдаги кўнгилсизлиқнинг кенови анча кунгача кетмай юрди.



Эркакларга бергисиз

Сайда холанинг ҳаётидан беҳабар одамлар болта билакли, шер юрак-ли бу аёл ҳеч қачон хорлик, зорлик кўрмаган, бутун умр бахтга беланиб яшаган, деб ўйлаши мумкин. Асли-да бу хола тақдирнинг аччиқ қисмат-ларини бошидан кечирган, лекин шу огир синовлардан голиб чиқиб, ат-рофидаги инсонларга ақл бўлишга, уларга ёрдам беришга ўзида куч топа олган пўлат иродали аёл бўлган.

Устма-уст ун фарзандлик бўлгани-да, яъни ҳали келинчақ даврида ик-кинчи жаҳон уруши бошланган. Тур-муш ўртоғи урушга кетган. Сайда хола ўша йилларнинг қаҳатчилиги ва ёлғиз-ликнинг огир даврларини бошидан кечирган. Бир кунги ўғилчиси она, ош егим келди, деб йиллади. Она икки пиёлагина гуруч топган кунни гўшт то-полмади. Гўшт тополган кунни ёғ то-полмади. Бир ойлار ўтгач, зўрға оз-гинагина ошлик масаллигини тўлиқ топди. Овқатини сузгач, ўғилчиси ўқсиб-ўқсиб йиллади, ошни отам би-лан бирга егим келаяпти, деб. Қани ота шу пайти? Отанг бир кун кела-ди, сен еявергин, болам, деди юра-ги қон она. Болани кўндириб, унга икки қошиққина ош едириш осон бўлмади. Бундай юракни эзидиган воқеалар деярли ҳар кун икки куно-

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузу-ридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жа-мийятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА



Рустам МУСУРМОН

ЭЛИ ҲОРИҲИҲИ ҚАДРИ УЧУН

ЁШЛАР

Орзумиз, умидимиз,
Ишончимиздир ёшлар.
Фарзанду дилбандимиз,
Қувончимиздир ёшлар.

Шижоатли, ғайратли,
Заковатли, омадли,
Паҳлавон, алпқоматли
Суянчимиздир ёшлар.

Бугун, эрта, келажак
Ишимизни олажак,
Қудратли куч бўлажак,
Таъинчимиздир ёшлар.

Ош лаззатин туз айтар,
Фарзандимиздан қайтар,
Ортимиздан сўз айтар
Давомчимиздир ёшлар.

БУЊЁДКОРЛИК

“Лойни лойга қўша, уй бўлади” деб,
“Дилни дилга қўша, тўй бўлади” деб,
Лойни оёқланг тепиб, пишитиб,
Оталар пахсадан бино қилган уй.

Ёдуга талпиниб, эзгу ўй билан
Қуёшга қаритиб қурган иморат:
Пешайвон, яна бир айвон уй билан
Токча, сандал-ўчоқ, томдан иборат.

Бу уйда яшаган ҳар бир инсоннинг
Юзида порлаган қуёшнинг нури.
Боболар ўчоққа ёққан гулҳаннинг
Олови сўнмайди, юракда қўри.

Фиштни ҳам бобомлар кашф этган илк бор,
Шаҳарлар тиклаган, қалъалар солган.
Семирамидадек малика меъмор
Бобилини қуришда андоза олган.

Осмонтой — Бўзатов билан Мўйноқ туманларининг ўртасида жойлашган тарихий маскан. Бу ғўшада Бердақ, Ажиниёз, Кунҳўжа каби мумтоз шоирлар бир пайтлар умргузаронлик қилишган. Чорва моллари учун ерлари кенг. Ҳавоси тоза. Ҳар хил қушлар ва ёввойи жониворларга макон бу. Нукусдан бир юз эллик чакрим узоқ масофада жойлашган бу манзилларни болалик чоғимда бир кўрган эдим. Ўшанда олган ажойиб таассуротлар мени ҳамон соғинтиради. Соқларимга оппоқ қиров қўнган ёшимда ўша ғўзал ва бепоян ерларни яна бир бор кўришни кўмсасим. У томонларга қўпчила ўша маконда ҳеш-акраболари яшаётганлар, қолаверса, ов деса, ўзини томдан ташлайдиган шоввоқлар тез-тез катнаб туришди. Шунча йигитлардан бири, кўнгилга яқин иним Марат Далжоновни кидириб топдим.

— Иним, ўтган замонда ҳам, ҳозир ҳам ишқибоз йигитлар шикорга чиқиб туришаркан. Бир гал шикорга чиққанингизда мени ҳам эргаштириб олакетмисизларми? — дея илтимос қилдим.

— Ҳа, жуда маъқул-да, — деди у қувониб. — Бир оз салқин тушин. Ҳозир қирғовуллар жўжаларини учушга ўргатаётган маҳал. Кузда уларни бемалол овлаш мумкин.

— Йўқ. Мен умримда қўлимга қурол ушламаганман. “Қуённинг ғўштига эмас, “вийк” этган овозига ишқивозман” деганларидек, мен ҳам қирғовулни овлаш учун эмас, ёввойи табиати томоша қилиш учун бормоқчиман.

Ваздалашган вақт келди. Тонг қоронғусида йўлга тушдик.

— Дарёбойни олиб кетайлик, — деди у етмиш-саксон километрлар йўл юриб, Бўзатовга етганимизда. — “Хар ернинг тулқисини ўша ернинг тозиси билан овла”, деган нақл бор. Бу атрофларда мен ҳам кўп кезганман-у, бироқ Дарёбой бу бепоян тўқайзорларнинг ҳар бир қарчиғини мендан кўра яхшироқ билади-да. Бунинг устига сиз тўқайга илк бор келяпсиз. “Ана у нима?”, “Мана бу нима?” деган саволларингизнинг битта-яримтасига жавоб тополмай уялиб қолмайин дейман-да.

Икковга биров қўшилди. Учовлон яна йўлга тушдик. Текис асфальт кўчадан четга чиққанимиздан сўнг машинанинг орқасида алланарсалар шақур-шуқур қилиб, асабга тега бошлади.

— Орқада нима бор? — дедим.

Марат лабини жуфтлайман дегунча Дарёбой жавоб берди:

— Мақанг овга чикса, ярим хўжалигини кўчириб келади, — деди у қулиб. — Темир ўчоқ, қозон-товок, қора қумгон, челақ, чойнак-пиёла, сабзи-пиёз ҳаммаси муҳайё. Борганингизданок дастурхонга ўтираварсиз.

— Лекин қозонга солинадиган масаллик тўқайнинг хисобидан бўлади, — деди Марат.

Бизда улугланган илму фан, ҳунар,
Дунё Амир Темур сўзига гувоҳ:
“Куч-қудратимизга шубҳа қилсанг гар,
Биз қурдирган иморатларга бир боқ!”

Аждолларнинг қони жон-танзимизда,
Буюк давлат учун қурдик пойдевор.
Озод ва мустақил Ватанимизда
Бинолар тикланди ғўзал, улугвор.

Юртбошим ёшларнинг бошини силаб,
Билинг, “Куч — билим ва тафаккурда” дер.
Оталар фарзандлар бахтини тилаб,
Фаровон бўлсин дер Ватан, она ер.

“Лойни лойга қўша, уй бўлар”, алёр,
“Дилни дилга қўша, тўй бўлар”, алёр.
Гулни гулга қўша гулҳан ичинда,
Булбуллар тилида қўй бўлар, алёр.

ҚАШҚАДАРЁ

Бир лаҳзадан тўрт фасл бордир аломат,
Сеҳрлидир сенинг ғўзал латофатинг.
Чўлларингда, тоғларингда улуг неъмат,
Лол айлағай бойлигинг — гул нафосатинг.
Қашқадарё, Қашқадарё!

Бахшиларинг дoston айтса, дилга ором,
Адо қилгай қирқ кечаю кундузларни.
Томга чиқиб, ушлаб олсанг бўлар оқшом
Чарақлаган катта-катта юлдузларни.
Қашқадарё, Қашқадарё!

Қадим Кешу Нахшаб ёвга айлаб қаҳр,
Озодлик деб кўтарганди машғал — ялов.
Ер юзига улашмоқда оташ меҳр
Бугун чўлларингда ёнган зангор олов.
Қашқадарё, Қашқадарё!

Буюк давлат қурдинг дунёда мардона,
От чондириб, сурдинг даву давронингни.
Эду юртнинг қадри учун туғдинг, Она,
Соҳибқирон Амир Темур ўғлонингни.
Қашқадарё, Қашқадарё!

Дуо қилиб кетган экан Соҳибқирон,
Худо берди яна ўзбек ўғлонига.
Тулпор миниб чиқди яна бир паҳлавон
Мустақиллик учун кураш майдонига.
Қашқадарё, Қашқадарё!

Эзгу ният ниҳолини экди ўлкам,
Боғ яралди тоғларида, чўлларида.
Қатор-қатор дарахтларнинг бўйи кўркем
Ҳонободу Қамаш — Чим йўлларида.
Қашқадарё, Қашқадарё!

Йўлбошчиға узангидош бўлган элим,
Халоскорга жиловбардор бўлган элим,
От елдириб, юртга йўлдош бўлган элим,
Байроқ олиб, яловбардор бўлган элим —
Қашқадарё, Қашқадарё!

АЛЛА

Оқшом сенга эртаси айтиб берар ой,
Юлдузлар қўйлайди сирли афсона.
Тонгда ўчоқ ёқиб, қуёш ташир чой,
Нонушта тайёрлар гуллар шоҳона.
Алла, эркем, алла-ё!
Қизалоғим, алла-ё!

Булбуллар ҳуснингни мадҳ этар сайраб,
Хўшбўй ифтор пуркаб, еллийди сабо.
Гунчалар қиқирлар чехрангда яйраб,
Оёғинг остига тиз чўқар само.
Алла, жоним, алла-ё!
Қизалоғим, алла-ё!

Товуслар товланиб, айлар таманно,
Тўтиқушлар бурро гапирар жўшиб.
Чиройинга айтиш учун тасанно
Охулар келади тоғлардан тушиб.
Алла, жоним, алла-ё!
Қизалоғим, алла-ё!

ГУЛИҚАХҚАХ ПАРИ

Гулиқахқах пари, Гулиқахқах гул,
Кулнинг жонга ёқар, қах-қах уриб кул.
Сеҳрли кулнинг эшитганимда
Юрак ёниб кетар, юрак бўлар кул.

Гулиқахқах пари, Гулиқахқах гул,
Юрак питирлайди қуш каби нукул.
Дудоғингда сув бер, лабларингда дон,
Чирқирар қалб қуши — қафасдаги кул.

Гулиқахқах пари, Гулиқахқах гул,
Хижрон дашти иссиқ, жазирама чўл.
Юрак нола чекар висолингга зор,
Тиканзор ичинда мисоли булбул.

Гулиқахқах пари, Гулиқахқах гул,
Тун бўйи йиғладим, ёстиқларим хўл.
Севги туйғусининг, ишқ неъматининг
Нега роҳати кам, азоблари мўл?!

Гулиқахқах пари, Гулиқахқах гул,
Меҳринга муҳтожман, узат менга қўл.
Ишқ йўлидан ёлғиз юриб бўлмайди,
Менга ҳамроҳ бўлгин, менга йўлдош бўл.

СЕВГИ САЙҚАЛИ

Тоғлар чўққисини ўтқирлар шамол,
Тебратиб дарахтни чайир қилар ел.
Тоғдек юрагимни чархлар ойжамола,
Дарахтдек қадимини эгар хипчабел.

Офтоб олмаларга ранг берар қирмиз,
Мевани пиширар оташ билан нур.
Қалбимни олмадек қизарттирар қиз,
Юракни пиширар соҳибжамол ҳур.

Гулнинг ширасидан йиғилар асал,
Рангдор нақшлар билан сержило бино.
Муҳаббат руҳинга бермоқда сайқал,
Севгинг юрагимга бермоқда жило.

Қумларнинг ичида сақланар ёмб,
Теран денгизларнинг тубида олмос.
Саҳродек қалбимда ўт кони ёнди,
Денгиздек кенг кўнглим чиройингга мос.

ТУЛПОРИМ

Яшин бўлиб яшнаган,
Қалдиқдек кишаган.
Туёғининг изи — ой,
Чангидан нур ташлаган.

Сағринига, белига
Ўтов курса, бузилмас.
Қуйруғининг қилига
Фил боғласа, узилмас.

Териси юпқалиги
Балиқнинг пуфғидай.
Ёлининг эркалиги
Фаришта зулфагидай.

Қулочининг кенглиги
Қалъага дарвозадай.
Бўйининг узунлиги
Минора — ҳавозадая.

Юлдуз қулоқ тулпорим,
Олтин туёқ тулпорим.
Қанотли бой чиборим —
Қоплон қуроқ тулпорим.

Р.МУСУРМОНОВ 1963 йили туғилган. ЎзМУнинг ўзбек филологияси факультетида тахсил олган. “Рўҳимнинг товуши”, “Хиргойи” шеърый тўпламлари чоп этилган. Унинг таржимасида А.Файнбергнинг “Чигир”, Б.Генжамуроднинг “Ўқуздарё” китоблари чоп этилган.

ОСМОНҲОИДА БИР КҲН

дим иддао билан мингирлаб.

— Ога, сизга қирғовулларни йўл бўйига кўндириб қўйишган эмас, — деди Дарёбой менинг кўнглим нимани тусайтганини англаб. — Бунинг учун тўқайнинг қалин жойида машинани тўхтади, мана бу “шалпангқулоқ”ни қўйиб юбориш керак. У қирғовулларни паналаб ётган жойларидан учиради.

Ўтирилиб қарасам, орқа ўриндиқда, Дарёбойнинг ёнида қулоғи шалпайган ориқина този ит ётган экан. Нукусдан чиққанимиздан буён биз билан ҳамроҳ бўлиб келаятган тилсиз “йўловчи”ни пайқамабман-а.

Кенг яланглиқлар. Чексиз ўрмондек ўсган юлғунзорлар орасида илон изидек эгри-бугри йўл...

— Вей, июл ойларида келганингизда борми? — деди Дарёбой юлғунзорни кўрсатиб. — Мана бу юлғунлар қирмизи-пушти рангда гуллабди, кўзингизни қамаштириб юборади. Бундан дарё ёқаларига чиқсангиз, ёнтоқларнинг гуллари. Оҳ-оҳ-ай, ер юзининг жаннати-ку бу Осмонтой.

— Бу ерларда қанча хўжалик ўтиради?

— Осмонтойда бир юз элликтанча хўжалик бор.

— Улар нима билан шуғулланишади?

— Чорва боқишади, деҳқончилик қилишади.

— Деҳқончилик?! Сув келадими ўзи?

— Албатта. Амударёнинг қуйи ўзани мана шу овулни ёқалаб ўтади. Ҳозир “Ўлик дарё”нинг бўйида тўхтаймиш. Кейин яхшилаб тушунтириб бераман.

— Ўлик дарё?

— Ҳа. Бир маҳаллар Амударё шу жойдан “S” шаклида, яъни шифокорларнинг тилсоли бор-ку — қадаҳга ўралган илон кўриниши, худди шундай айланиб оққан. Кейин сув мўл

тўқай қолдирмади. Қуёнлар, қирғовуллар одамлардан безиб, кетиб қолишди.

Қирғовулнинг товушини эшитган Марат чидаб туролмади. Дарҳол милтигини қўлига олди-да ўзини дарахтлар ичига урди. Унинг орқасидан “шалпангқулоқ” ҳам эргашди. Бир маҳал осмонда париллаб учан учта қирғовул кўринди. Ўша захоти милтиқ ҳам “қарс” этди. Учта қирғовулдан биттаси сакки эрга оғиб тушди. Кўнглим алланечук бўлиб бузилди. Нохуш кайфиятим авзойимдан билинган бўлса керак.

— Ҳой, сиз ёзувчиларни бундай эрга олиб келиб бўлмайди-я. Сал нарасага кўз ёши қиласиз, — деди Дарёбой менга қараб. — Ахир, бу табиатнинг қонуни-ку. Одам гўшт ейиши керак. Озор бермайман десангиз, молнинг ҳам жони бор, қўй-қўчқорнинг ҳам... Керак бўлса, ўсимликларнинг ҳам жони оғрийди-ку.

— Йигитлар, кўнглингизга келмасин, мен бу эрга қирғовул гўштини ейишга келмадим. Илоҳи бўлса, табиати томоша қилдиринг, — дедим уларга.

— Ҳозир тўқайзор ичига қирамиш, — деди Дарёбой. — Табиатнинг атаканини кўраверасиз, бу ёғи омадингизга боғлиқ.

— Ҳозир тўқайзор ичига қирамиш, — деди Дарёбой. — Табиатнинг атаканини кўраверасиз, бу ёғи омадингизга боғлиқ.

— Милтиқни менга бер, — деди Дарёбой бирдан Маратнинг қўлидаги милтиққа ёпишиб. — Ана, иккита хўроз қирғовулнинг ўтиришини қара.

Дарёбой милтиқни ўқлади.

— Йўқ, отман! — дедим қўлидан тортиб.

— Ҳа, нега?

— Улар биздан ёмонлик кутаётгани йўқ. Бечора қушларнинг ишончини йўққа чиқармайлик, ахир!

Киргизлар менинг китобий сўзларимнинг устидан роса мириқиб қулишди. Бироқ милтиқ отишмади. Қирғовуллар осмонга париллаб кўтарилди.



жонивор-ку, ахир.

— Уларнинг эгалари бордир?

— Албатта, бор.

— Ҳалиги бир уюр йилқи бир кишиникими?

— Ҳозир ўтган йилқилар бир уюр эмас, камида беш-олти уюр бор.

— Бир уюрда қанча от бўлади?

— Бир уюрда йигирма беш-ўттизта байтал бўлади. Уларни бир айғир бошқаради. Бир уюрнинг орасида бошқа айғир бўлмайди.

— Уюрни отларнинг эгаси уюштирадими?

— Йўқ. Отларнинг ўзлари. Етти-саккиз ёшга тўлган айғир ўзи учун уюр тўплайди. Аввалдан уюрбоши бўлиб келган айғир билан курашиб, уни — Ух, ана қуён! — деди Дарёбой дарҳол тўхтаб. Рўпарамизда буталар устидан сакраб-сакраб ўтиб, сур қуён қочиб бораётган эди.

— Мен қуён ота олмайман, — деди Марат. — У мен нишонга оламан дегунча тўрт-беш марта сакрайди. Киргизларда осмонга уқса экан...

— Қирғовул ўз умрида неча марта полопон очади? — деб сўрадим Дарёбойдан.

— Ўқдан, тузоқдан омон қолса, ўн

олти-ўн етти йил умр кўради. Бу йил тухумдан чиққан жўжа келаси йил қор бўлаверади. Шунда ўз умри давомида ўн беш-ўн олти марта кўпаяди-да.

— Ҳар тухум босганида неча жўжа очади?

— У макиёнига жуда меҳрибон, уруғи сероб. Учтадан ўн бештагача тухум кўяди.

— Нега унда қирғовуллар унчалик кўпаймаяпти? Ёки уларни ёввойи хайвонлар тинч қўймайдими?

— Йўқ, ога, ёввойи хайвонлар эмас, “сипойи хайвонлар” тинч қўймайди, — деб Марат ўзларини назарда тутиб қолди. — Ҳамма ҳам сиз билан биздек қозон қайнатишга етадигани билан қифояланса майли-я, ноинсофлар эллик-олтмиштасини бирданга овлашади.

— Бўлмаса, қирғовулни ёввойи хайвонлар тутолмайди, — деди Дарёбой дўстининг фикрини маъқуллаб. — Дунёда қирғовулдай сергақ қуш йўқ. Пирр этиб учиб кетганини сезмай ҳам қоласан.

Биз бораётган ёлғизоёқ сўқмоқда дўмпайиб кетаётган бир нарса кўринди. Бироз юрди-да, бутазорга кириб кетди.

— Воҳ, семизгина турай ‘экан, — деди Марат тамшаниб. — Бу ердан отган билан ўқ етмайди.

— Ёввойи чўчка ҳам бор эканда! — дедим хайратланиб.

— Осмонтойда нима йўқ, ога! — дея мағрурланди Дарёбой. — Тулки, шокол, тўғиз, бўрсик...

— Қашқир-чи?

— Бор. Лекин камроқ учрайди.

— Уни кўроламизми?

— Йўқ. У жуда зийрак жондор. Одамнинг исини уч чақиримдан билади. Июл-август ойларида келганимизда учратишимиз мумкин эди.

— У пайта нима бўлади?

— Ўша вақтларда қашқирлар бўлтириқларини (болаларини) ов қилишга ўргатиб юришади. Бундай пайтларда унча-мунча хавф-хатарни писанд қилмайди улар.

— Улар нимани овлашади?

— Дуч келган хайвонни. Айниқса, Осмонтойнинг асов отларига ўч бўлишади.

— Йўғ-ей! Отни қандай олади?

— Албатта, тўғри бориб оломайди. Орқасидан боришга ҳам қўрқади. Ҳалиги чопиб ўтган асов отлар бир тегганида қашқир тил тортмай ўлади. Шунинг учун отнинг ёнидан югради. Юғуриб бораётган, йилқининг қорнига оғиз солади. Қашқирнинг тишлари жуда ўткир бўлади. Йилқининг қорни йиртилади. Кейин қашқир ўша йил-

қининг изидан тушиб, пойлаб юраверади. Орадан бир ярим-икки соат ўтганидан кейин от қонсираб йиқилади. Ана ўшанда қашқир ва унинг бўлтириқларига тайёр ўлжа бўлади.

— Ўша асов отларни эгалари қандай қилиб ушлайди?

— Эгалари миншига керак бўлганларини уч-тўрт ёшида кўрага қамаб, қўриқ ташлаб ушлаб олишади. Бир неча кунда асов отни миншига ўргатишади.

Бошқа отлар эса далада эмин-эркин ўтлаб, ўзлари туғиб, кўпайиб, улғаяверади. Сўйиш керак бўлганларини қўриқ ташлаб ушлашади. Тирик ҳолида ҳеч ким уларни олиб кетолмайди.

— Осмонтойда ёввойи буқалар ҳам бор деб эшитаман.

— Бор. Улар туғилганидан буён бўйнига сира арқон боғланмаган, дала-тузда ўсган. Уларга ҳатто эгаси ҳам яқинлаша олмайди.

— Мол керак бўлса, эгаси нима қилади?

— Қўриқ ташлайди ёки отиб олади.

Мен қутилмаганда мавзуну ўзгартирдим. Билгим келган нарсалар жуда кўп эди. Лекин ҳадеб уларнинг бошини қотиришга тортиндим. Баррибир қирғовул ҳақида сўрагим келаверди.

— Қирғовулларни тириклай ушлаб кўрдингизми ҳеч?

— Тузоқ билан ушлаб олсангиз бўлади. Аммо у қўлга ўрганмайди, тез ўлиб қолади, — деди Дарёбой.

— Мен бир хўроз, бир макиён қирғовулни қирқ кун қафасда сақладим, — деди Марат. — Қўлга ўргатмоқчи бўлдим. Уларга вақтида дон бердим, сув бердим. Лекин кундан кунга ориқлаб кетаверди. Бир кун иккаласи ҳам ўлиб қолди.

— Шунинг учун ота-боболаримиз “Учган қушга ҳам, юрган жонзотга ҳам озодлик керак”. “Озод юрт — обод юрт бўлади” деб бекорга айтишмаган-да.

— Тўғри айтдингиз! Унда биз ҳам буларни ўз холига қўяйлик. Қайталлик. Осмонтойнинг озод жониворлари эмин-эркин яшасин! — дедим мен чукор нафас олиб.

Улар менинг таклифимни хоҳласин-хоҳламасин маъқуллашди.

Олтин гардишли қуёшнинг тенг ярами уфққа ботганида Нукусга қараб йўлга тушдик.

Қорақалпоқ тилидан



Винсент Ван Гог. «Кизил узумзорлар»

"Кизил узумзорлар" машхур рассом Винсент Ван Гогнинг ҳаётлиги чоғида сотилган ягона асар сифатида шуҳрат қозонган. Мазкур картина 1888 йили жунунавш мусаввирнинг Франция жанубидаги Арл шаҳрига уюштирилган саёҳати чоғида яратилган. Укаси Теога йўллаган мактубида Ван Гог асарнинг яратилишига асос бўлган табиат манзарасини катта ҳаяжон билан тасвирлайди, ушбу гузалликдан баҳраманд бўлиш бироқдариға насиб қилмаганидан афсус чекади.

1890 йили муаллифининг вафотидан бироз олдинроқ картинани белгиялик мусаввира Анна Бош тўрт юз франкка харид қилади. Ҳозирги кунда бу таҳминан 800-850 еврога тенг. Кейинчалик, Ван Гогнинг ижоди бутун дунёга шов-шув бўлганидан сўнг картина рассомнинг энг сара ижод намуналаридан бири сифатида эътироф этилди. "Кизил узумзорлар" айна пайтда Москвадаги А.С.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейида сақланади. Унинг тахминий баҳоси тўқсон миллион доллардан ошади.

Жаҳон тасвирий санъати

ГУЛЛАР СЎЗЛАГАНДА



Болалар бекати

Турли гуллар
Олган ўрнак,
Мендан бўлак
Гул сира йўқ.

Атиргуддек
Гулм катта.
Ҳам барваста
Оч, қизил, тўқ.

Саватил:

Бошимда бор
Катта сават.
Барча сават
Шундан эмиш.

Асалари
Искаб, сўриб,
Гулин суюб,
Қилар емиш.

Шу сабабдан
Гули хушбўй,
Ўзи хушбўй
Дейишаркан.

Баҳор фасли
Гулзорларга,
Гул боғларга
Экишаркан.

Абдужаббор
МАННОПОВ

Шоини:

Чаманзорнинг
Кўрк-чиройи,
Ҳам анвойи
Мен гулшойи.

Шайдо қилар
Кўрганларни,
Сўрганларни,
Хўп бинойи.

Жилваланган
Камалимга,
Жамолимга,
Тикишса кўз.

Орим келиб,
Юз товланиб,
Эркаланиб
Ёлман юз.

Саллаул:


Кўриб бошда
Хил-хил саллам,
Катта қаллам,
Деманг имом.

Фақат даркор
Чопиш, ишлаш
Парвариллаш,
Шу вассалом.

"ТЕАТР"

2015 йил 3-сон

Журналнинг навбатдаги сони яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Сени қуйлаймиз, замондош!" Ўзбекистон театрларининг III республика кўрик-фестивали якунларига бағишланган мақола билан очилади. Муаллифлар — Сарвиноз ва Дилафрўз Қодировалар мазкур тадбирнинг маданий ҳаётимизда тутган ўрни хусусида сўз юритиб, танловга тақдим этилган спектакллари атрофида таҳлил қилишади. Театр тарихига қизиқувчи мушаррийлар Сирожиддин Аҳмад қаламига мансуб мақоланинг давомини ҳам мазкур сонда мутлоа қилишлари мумкин.



Меҳрибон Хўжано-ва "Тумарис" сарлавҳали мақоласида Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат музыкали театрининг шу номли спектаклини баҳолашга инти-са, "Хайрат садоси" номли мақола муаллифи Гулсара Исмоилова цирк санъати ва унинг мўъжизавий дунёси билан боғлиқ таас-суротларини қаламга олади. Тешабой Баянди-евнинг "Ташкилотчи, тарғиботчи ва тадқиқот-чи олим" дея номланган мақоласи театршуно-слик илмининг моҳир билимдонларидан бири, академик М.Раҳмонов хотирасига бағишланган бўлса, Ҳамиджон Икромов "У икки театрни кур-ганлардан эди..." сарлавҳали мақоласида Ёш

Кўргазма залларида

ЁҒОЧДАГИ МЎЪЖИЗАЛАР

Таниқли ҳайкалтарош Михаил Поруб ижодига бағишланган кўргазмада оддий ёғочдан ясалган "Фарҳод", "Хўжа Насриддин", "Файласуфлар", "Вилончел чалаётган қиз", "Мадонна" сингари ҳайкаллар Бадий академиянинг кўргазмалар залига кўрк бағишлаш билан бирга томошабинларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Экспозициядан муаллифнинг юздан ортиқ ҳайкалтарошлик, рангтасвир ва графикада ишланган асарлари ўрин олган.

М.Поруб тасвирий санъатнинг барча турларида самарали ижод қилса-да, ёғочдан ҳайкал ишлаш энг сеvimли машғулоти ҳисобланади. "Рассом Бахтиёр Бобоев", "Файласуфлар", "Кураш" асарлари Бадий академиянинг дипломи билан тақдирланган. Портретлар, турли мав-зудаги композициялар, кичик пластика ва миниатюра асарлари ҳам мутахассис-лар эътирофига сазовор бўлган. Айниқса, ёғочдан рельефларни марок билан иш-лайди. Улардаги нақшлар уйғунлиги муҳлисларга завқ бағишлайди. Ёғочда иш-ланган кичик ҳамда катта ҳажмдаги ҳайкалларида халқ ва эртак қаҳрамонларнинг образи мужассам. Шунингдек, унинг акварел, мойбўёқ, қаламда ишланган порт-ретлари, манзаралар ва натюрмортларида акс этган самимий тасвирлар томоша-бинларга манзур бўлди. Мазкур кўргазмага ташриф буюрганлар рассом дарахт ёғочига чиндан ҳам иккинчи ҳаёт бағишлаганининг шохиди бўлдилар.

Дилноза ЗОКИРОВА

ашулалари халқимиз кўнглидан жой олиб, ҳали-ҳануз юрак торларини чертиб турибди. У ижро этган ашу-лаларни нафақат устоз санъаткор-лар, балки ёш ижрочилар ҳам кат-та саҳналарда қуйлаб келаётгани бежиз эмас. Кўрик-танловни таш-кил этишдан қўзланган асосий мақ-сад санъаткор-ни хотирлаш, ёшлар орасида устоз санъат-

ЭҲТИРОМ

Республика Халқ ижодиёти ва ма-даний-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан Мар-гилон шаҳрининг Маъмуржон Узо-қов номидаги маданият ва исти-роҳат боғида устоз санъаткор хо-тирасига бағишланган кўрик-тан-лов ўтказилди. Улуғ санъаткорларни эъзозлаш, ёш ижод-корлар қалбида етук

— Маъмуржон Узоқов, шубҳасиз, мумтоз хонандаликда ўз ижро мак-табини яратган улуғ санъаткор, — деди Марказ директори А.Ҳайда-ров. — Ҳофиз қуйлаган "Сувратинг", "Йўлингга", "Якка бу Фарғонада", "Мустаҳзои", "Бир келиб кетсун", "Шўхи паривашга", "Қачон бўлғай", "Шайдо бўлибман", "Ёр истаб" каби

корнинг ижро услубини тарғиб қилиш, у қуйлаган қўшиқларни матн ва оҳанг қондаларига риоя қилиб, камчиликларсиз ижро этилишини таъминлашга ҳисса қўшишдир.

Ҳайбат хулосасига кўра, бирин-чи ўрин берилмади. Иккинчи ўрин Сададдин Сапа-ев (Қорақалпоғистон Республикаси), Жа-сурбек Курбонов (Хо-разм вилояти) ҳамда Аббос Гаф-форов (Тошкент шаҳри)га берил-ди. Учинчи ўринни Умаржон Кур-бонов (Фарғона вилояти), Аҳмад Абдулҳаев (Андижон вилояти), Эр-гаш Жумайилов (Хоразм вилоя-ти) ҳамда Муродулло Ҳақимов (Тошкент шаҳри) эгалладилар.

Ғолиблар дипломлар, қим-матбаҳо совғалар, М.Узоқов қўшиқлари жамланган диск, бади-ий китоблар, ҳомийлар ва ҳамкор ташкилотларнинг faxрий ёрлиқ-лари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Назokat АҲМЕДОВА,
марказ бўлим бошлиғи

томошабинлар театри асосчиларидан бири Аб-дурахмон Толиповни ёдга олади. Ўзбек бале-тининг йирик намоёндаларидан Бернора Қори-ева билан бўлган суҳбат санъат ихлосманд-ларини бефарқ қолдирмаслиғи табиий.

Шунингдек, мазкур сон мазмун-мундарижа-сини бойитган Эркин Норсафарнинг "Асарла-ри якунланмай қолди", Дилором Сирождиди-

Журналларни варақлаганда

нованинг "Ўзбек эстрада санъати тарихига бир назар", Эркин Раҳимовнинг "Оҳанглар сеҳри", Моҳидаф Убайдуллаеванинг "Бир қадам йўл", Анвар Исмоиловнинг "Ҳиндистон томоша санъ-ати" номли саҳна санъати тарихи ва замона-вий жараёнларига бағишланган мақолалари ҳам ўз ўқувчисини топади, деб ўйлаймиз.

Дилафрўз ҚОДИРОВА

Ўрта Чирчиқ туманидаги Агросаноат ва иқтисодий касб-хунар коллежида Мус-тақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик байрамига бағишлаб "Бетакорим-сан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими, вилоят "Маънавият ва тарғи-бот маркази", Ўзбекистон ХДП вилоят кенга-ши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда кекса авлод вакиллари, маҳалла фаоллари, уй бека-лари ҳамда эртамиз эгалари бўлган ёшлар иштирок этди.

БАЙРАМ СУРУРИ

— Юртбошимизнинг Мустақиллик байрами-га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғри-сидаги қарориди, — деди Миллий телеради-окомпания сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков, — халқимиз асрлар давомида ин-тилиб яшаган ва курашган, мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран ид-рок этиш, ўтган давр мобайнида амалга ошир-ган кенг қўламли ислохотларимиз, қўлга кирит-ган улкан ютуқларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини юртимиз ҳамда жаҳон жамоатчи-лигига етказиш, содда қилиб айтганда, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлганимизни ан-глаш, ватандошларимизни янги марралар сари руҳлантириш, биз учун энг улуғ, энг азиз айдём бўлмиш Истиқлол байрамини юксак да-ражада ўтказиш ушбу қарорда алоҳида белги-лаб берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, кундан-кунга гул-лаб яшнаётган юртимизни асраб-авайлаш ва авлодларга обод Ватан қолдириш ишига бор-куч-гайратимизни сарфлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз экани ҳақида гапирдилар.

Зулхумор ЭРҒАШЕВА

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ФИТЦЖЕРАЛДНИНГ ЯНГИ ҲИКОЯСИ

Френсис Скотт Фитцжералд номи Эрнест Хе-мингуэй ва Эрих Мария Ремарклар билан бир қаторда тилга олинмаган Америка адабиётда-ги "йўқолган авлод"га мансуб адиб. У 1920-йил-лардаги америка "жаз даври"га доир қатор асар-лар муаллифидир. "Жаннатнинг бу томонида", "Буюк Гэтсби", "Дилбар тун" каби романлари адибга катта шуҳрат келтирган. Яқинда Принстон университети архивидан муаллифнинг шу чоққа-ча номаълум бўлган ҳикояси топилди. "Ҳарорат" сарлавҳали ушбу ҳикоя 1938 йилнинг июлида ёзилган бўлиб, автобиографик характерга эга. Унда Лос-Анжелесда яшовчи алкоғолга боғланиб қолган ёзувчи Эммет Монсеннинг изтиробли тақ-дири ҳақида сўз борса-да, тасвирлар асосан Фит-цжералднинг ўз ҳаётига ҳамоҳангдир. Асарда адиб бошидан кечирган молиявий қийинчиликлар романтик ва трагик услубдаги қулғили диалог-лар орқали баён қилинган. Ҳикоя ёзиб тугаллан-ган пайтда адиб ноширлар билан алоқасини уз-гани сабабли босилмай қолиб кетган. Принстон университети архивидан мазкур ҳикояни толган "The Strand" журнали муҳаррири Эндрю Жили-нинг айтишича, Фитцжералднинг ушбу асари тез орада интернет сайтлари орқали кенг китобхон-лар оmmasига тақдим этилади.

75 ДАҚИҚАЛИК «РОМАН»

Британиялик фантаст адиб Крис Фарнелл бар-ча профессионал ёзувчи ва қўлидан асар ёзиш ке-ладиган адабиётчиларни ўзига хос янги интел-лектуал ўйинга тақлиф этмоқда. Унда иштирок эта-диган адиблар 75 дақиқа ичида роман ёзиб бе-ришлари керак бўлади. Крис Фарнелл мазкур лой-ихага эллика яқин хаваскор ва профессионал адиб-ларни жалб этмоқда. Замонавий илмий фантаст-ик адабиётга бағишлаб 7-9 август кунлари Лон-донда ўтказиладиган ушбу тадбир ҳар йил ўткази-ладиган "The Nine Worlds" фестивали давомига айланади. Ўйин қондаларига биноан, иштирокчи адибларга 45 дақиқа вақт берилиб, улар шу фур-сат ичида яратилажак асарнинг умумий сюжети, персонажлари ва умумий композициясини бир-галликда ўйлаб олишлари мумкин. Кейинги ярим соат ичида эса ҳар бир иштирокчи асарнинг бир бобини ёзади. Сўнгра матнлар умумий китобга йиғилиб, электрон шакли эълон қилинади. "Бу ки-тобнинг ютуғи унинг бошланиши, ўрта қисми ва охирини нечоғли бир-бирига мос тарзда тасвир эта олишимизга кўп жиҳатдан боғлиқ, — дейди К.Фарнелл. — Бироқ, очик гап — биз бу ишни би-рор ютуққа эришиш учун қилаётганимиз йўқ. Биз шундай тарзда ижод қилишга ўрганоқчимиз, бу борада ўзига хос малака ҳосил қилмоқчимиз".

"ТУНГИ ГИЁХ"

Ўтган йили Нобел мукофотида сазовор бўлган таниқли француз адиби Патрик Модино қалами-га мансуб "Тунги гиёх" романида XX асрнинг ол-тишинчи йилларида Париж манзараларида юз берган ўзгаришлар қаламга олинган. Мароккодан қўчиб келганлар муҳитида ўсиб-ўлғайган йигитнинг сохта ном ва сохта ҳужжатларга кўра яшовчи қизга бўлган мухаббат, ишқий саргузаштлари тасвир этилган асар яқинда қўллаб Шарқий Европа тил-ларига таржима қилинди.

ЧЕХОВ — «GOOGLE» САЙТЛАРИДА

"Google" интернет сайти А.Чехов номидаги Ба-дий театр билан ҳамкорликда адиб асарларининг 24 соатлик онлайн-трансляциясини уюштирмоқда. Мухлислар эътиборига улуғ адибнинг эллика яқин асари тақдим этилади. Улар адиб қаламига ман-суб ҳикояларнигина эшитиб қолмайдилар, айна чоғда, псаларни ҳам бевосита кўриш имконига эга бўладилар. Бундан ташқари, А.Чеховнинг од-дий врачликдан аввал ёзувчи, сўнгра драматург сифатида шаклланиши ва дунёга донг таратган улуғ адибга айланishi жараёнлари, ижоди ва ҳаёт-га муносабати, дунёқарашида юз берган ўзгариш-лар ҳақида муайян тасаввур берувчи фактлар, уч-рашувлар, кундалиқлар ва мактублар ҳам ёзувчи муҳлислари эътиборига ҳавола этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Ҳалима Худойбердиевага ўғли **Умидбек УМУРЗОКОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Раҳимжон Отаевга турмуш ўртоғи **Дилбар ОТАЕВ**анинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТЕУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзилимиз:
info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Тақдир ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирождин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа

ижодий уйи босмахонаси.

Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 17.17

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан
руйхатга олинган. Адаби — 4308 Буюртма S — 3608. Ҳажми — 3 босма табақ А-2. Наср
кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КҮНЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000